

# Пробатсия ойлиги



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари генерал маёр Б.Абдуллаевнинг тегишли фармоишига асосан "Пробатсия ойлиги" эълон қилинганлиги ҳар бир назорат остидаги шахслар устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш ва ижтимоий мослаштириш ишларни жадаллаштириш тақозо этади.

Қумқўргон туман ҳокимнинг ўринбосари Нигора Жумаева ҳамда Пробатсия гуруҳи инспекторлари билан ҳамкорликда туман ИИБ ЖХХ Пробатсия гуруҳи ҳисобида турган аёлларни муаммолари ўрганилди.

Учрашувда хотин-қизларни ишга жойлаштириш, бандлигини таъминлашга, қайта касбга тайёрлашга кўмаклашиш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишини олдини олиш бўйича профилактик суҳбатлашилди.

Назорат остидаги хотин-қизлар томонидан берилган саволларга тўлиқ жавоблар берилди.